

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 29 июль, № 148 (4811)

Чоршанба

**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАРИ УЛУШИНИ КЎПАЙТИРИШНИ РАФБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Тижорат банкларининг инвестиция фаолияти кенгайтирилишини янада рағбатлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаш ҳажмларини ошириш учун уларнинг ресурсларини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ:

тижорат банкларининг тузилмалари қайта ташкил этилди, энг йирик банкларда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича департаментлар (бошқармалар) тузилди, инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш, молиялаш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш билан шуғулланувчи банкларнинг таркибий бўлимлари сезиларли равишда ўзгартирилди ҳамда уларнинг функциялари кенгайтирилди;

барча тижорат банкларида инвестиция фаолияти масалаларига мутасаддилик қиладиган банклар бошқаруви раисларининг ўринбосарлари лавозими жорий этилди, уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги Р-3075-сонли фармойишига мувофиқ ўтказилган аттестация натижалари бўйича қончилик базасини чуқур биладиган, инвестиция лойиҳаларини инвестициявий молиялаш, танлаб олиш ва экспертиза қилиш соҳасида зарур кўникмаларга эга бўлган раҳбарлар тайинланди;

банклар балансида қабул қилинган банкорт қорхоналарни молиявий соғломлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаш бўйича тижорат банкларининг фаолияти ривожланди. Банкларнинг умумий кредит портфели таркибиде бир йилдан кўпроқ муддатга берилган кредитлар ҳажми 70 фоиздан ортиқроқни ташкил этмоқда.

2. Қуйидагилар инвестиция фаолиятини кенгайтириш соҳасида тижорат банкларининг энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, қорхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича банкнинг кредит ҳамда инвестиция сиёсатини ва инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатли кредитлаш механизмларини янада такомиллаштириш, бунинг асосида банкнинг узоқ муддатли ресурсларини мустаҳкамлаш; лойиҳа ҳужжатлари, уларнинг молиявий жиҳатдан ўзини қоплаши ва рентабеллигини чуқур таҳлил қилиш асосида инвестиция лойиҳаларини пухта танлаб олиш, комплекс баҳолаш ҳамда сифатли экспертиза қилишни таъминлаш;

инвестиция лойиҳаларини молиялашга ўз молия маблағларини сарфлаш ва улардан самарали фойдаланиш, лойиҳаларнинг амалга ошириб борилишини доимий мониторинг қилиш, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

таваккалчилик, гаровлар ва таъминлашнинг бошқа турлари бозор қийматини пухта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, берилган кредитларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ қайтарилишини таъминлайдиган ишончли механизмлардан кенг фойдаланиш;

инвестиция фаолиятини амалга ошираётган банклар бўлимларини профессионал тайёрланган юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш, экспертиза қилиш ва амалга ошириш масалалари бўйича банк мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш сифатини тубдан яхшилаш.

3. 2015 йилнинг 1 январигача шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра, тижорат банклари кредит портфели таркибиде 1-иловага мувофиқ узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғи тўлайдилар.


Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда маъзур бандда назарда тутилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқин ҳамда тасдиқласин.

4. Тижорат банкларига қорхона ва ташкилотлар — йирик инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қабул қилишда умуман лойиҳани молиялаш учун бериладиган кредитнинг умумий суммасига киритган ҳолда, экспертизадан ўтказиш бўйича харажатларни молиялашга кредитлар беришни амалиётга татбиқ қилиш тавсия этилсин.

(Давоми 2-бетда).

## НАВОИЙ:

# ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗДАН ЯШНАГАН ЗАМИН



18  
йил

Навоий вилояти истиклолнинг дастлабки ойларидея қайта тикланиши туфайли бу ерда яшовчи одамларнинг қалбидеги орзулари ушадди. Утган ўн саккиз йил мобайнида эса, улар асрга татиғулик тараққиёт йўлини босиб ўтдилар.

Эсингизда бўлса, шўролар тузумининг сўнгги йилларида



Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси туфайли мамлакатимиз иқтисодиёти жадал ривожланмоқда, унинг халқаро ҳамжамиятдаги мақеи ва экспорт салоҳияти ошиб, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалмоқда. Айнан шундай юксалишларни биз бевосита навқирон Навоий вилояти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Зеро, Навоий — юртимизнинг фахру ифтихори, дўстлик ва бирдамлик диёри. Бу ҳудудда 80 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшаб, улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошираётганликлари бунинг ёрқин тасдиғидир.

тўпланиб қолган муаммолар Навоий кон-металлургия комбинати ишини сезиларли даражада мураккаблаштириб юборган, хусусан, Учқудуқдаги 3-гидрометаллургия заводининг қурилиши тўхтатиб қўйилган эди. Бу завод 20 йил олдин лойиҳалаштирилган бўлиб, унинг қурилиши ўтган асрнинг 80-йиллари аввалида бошланганди. Афсуски, собиқ марказ

қурилиши молиялаш ва моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ҳажмини кескин қисқартиргандан кейин Шимолий кон бошқармаси ҳудудидаги аҳоли бандлиги масаласи ва Учқудуқ шаҳрининг истиқболи ҳақи остида қолди.

(Давоми 2-бетда).

## Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ:

# УШБУ ГЎЗАЛ ВА МУҚАДДАС ДИЁРДА ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ ҲУКМ СУРМОҚДА

Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида ЎЗА муҳбири Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ хоним билан суҳбатлашди.

— Элчи хоним, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳоли ва истиклолни қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистон ва Миср халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларнинг тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Ўзбек замида етишиб чиққан буюк алломалар Мисрда ўчмас из қолдирган. Масалан, Аҳмад ал-Фарғоний Нил дарёси сувининг микёсини ўлчайдиган иншоот яратган ва биз ундан ҳозир ҳам фойдаланиб келамиз. Илгари Мовароуннаҳр савдогарлари Қоҳирага тез-тез бориб туришган. Ҳозир мамлакатимиз пойтахтида «Ўзбекия» деб номланган мавзе бор.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланмоқда. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентини Исло

Каримовнинг 2007 йилнинг апрель ойида Мисрга расмий ташрифи ўзаро муносабатлари янги поғонага олиб чиқди. Ушбу ташриф асносида Исло Каримов ва Хусний Муборак ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш юзасида атрофлича фикр алмашдилар. Учрашувлар яқинда имзоланган қатор ҳужжатлар ишлар амалга оширилди, манфаатига хизмат қилаётган Давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари бундан кейин ҳам изчил ривожланиб бораверади, дейиш учун барча асослар бор.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида нима дейсиз?

— Ўзбекистонда истиқлол йилларида ижтимоий-сиёсий барқарорлик мустаҳкамланиб, иқтисодиёт муттасил ривожланиб бораётди, халқнинг турмуш тарзини улқусиз юксалмоқда. Энг асосийси, Аллоҳ назари тушган

ушбу гўзал ва муқаддас диёрда тинч ва осойишта ҳаёт ҳукм сурмоқда.

Президент Исло Каримов томонидан 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши юртингизда ёш авлодга кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Утган йили таълим соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилди, минглаб умумтаълим мактаблари янгидан қад ростлади, реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Шунингдек, таъқидлашни истардимки, Ўзбекистонда ёшлар камолотига қаратилаётган юксак эътиборга ҳавас қилса арзийди.

2009 йил — Кишлоқ тарқиқети ва фаровонлиги йилида эса юртингизнинг чекка ҳудудларида, олис шаҳар ва туманларида яшовчи аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш борасида кенг кўламли, изчил ислохот

лар амалга оширилади. Жумладан, кишлоқларга саноат кириб бормоқда, хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғи ошмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётганига аҳолининг реал даромадлари муттасил ошиб бораётгани ҳам яхши мисол бўла олади.

— Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳақидаги фикрингиз?

— Дунё аҳли Самарқандни «руйи замин сайқали» деб билади. Кўп асрлик тарихи, жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўлган буюк алломалари, тарихий обид ва меъморий ёдгорликлари билан маълум машҳур Самарқанд олам аҳлини ҳамisha хайратлантириб келган.

Жаҳон мусиқчиларини бир жойга тўплайдиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали турли халқлар вакиллариининг санъатидан баҳраманд бўлиш имконини беради. Унда мисрлик созанда ва хонандарнинг иштироки аънавага айланган. Бу эса, албатта, халқларимиз ўртасидаги дўстона ришталарни янада

(Давоми 2-бетда).

## Озод ва обод юрт байрамлари

Юрти тинч, халқи фаровон элга байрамлар ярашади. Тўй тўйга улаиб кетади. Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллик айёми тобора яқинлашаётган шу кунларда мамлакатимиз ғаллакорларининг «Ҳосил байрам»лари кенг нишонланаётгани бунинг ёрқин далилидир.

# ФИДОЙИ МЕҲНАТ ВА РАФБАТ УЙҒУНЛИГИ

Мустақиллик йилларида Андижонда ғаллачилик мактаби яратилди. Вилоятда ғалла майдони кенгайтирилиб, воҳа иқлимига мос эртапишар, серҳосил бўғдой навлари парваришлана бошлади. Натижада ҳосилдорлик йил сайин кўтарилиб, деҳқонларнинг манфаатдорлиги ҳам орта борди. Бу уларни янги марралар сари ундади.

Бугунги кунда андижонлик ғаллакорлар бошқа вилоятлар деҳқонларига уруғлик бўғдой етказиб бераётгани билан ҳам фахрланишади. Чунки бу замида етиштирилган уруғлик ҳосилдорлиги, эртапишарлиги, шунингдек, зараркунда ва касалликларга чидамчилиги билан устун туради.

Вилоят деҳқонларининг бу йилги муваффақиятлари, айниқса, салмоқли бўлди. Улар давлатга ғалла сотиш шартнома мажбуриятини мамлакатда биринчи бўлиб удаладилар. Энг муҳими, ҳосилдорлик аввалги йиллардагига қараганда анча ошди: ҳар гектар ғаллазордан 57 центнер ўрнига 62,1 центнердан сара дон йиғиштириб олинди.

Ялли ҳосил эса 520 минг тоннадан ортиди. Унинг 286, 5 минг тоннаси давлатга сотилди. Салкам 47 миллиард сўмлик бўғдой деҳқон, фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолди. Пировардида ғаллачиликдан қўрилган даромад қарийб 129 миллиард сўмни ташкил этди.

Эришилган меҳнат ғалабасида Пахтаобод, Избоскан, Олтинқўл, Қўрғонтепа туманлари ғаллакорларининг ҳиссаси катта бўлди. Жумладан, Избоскан туманидаги «Тешабой ишончи» ва «Чувама», Пахтаобод туманидаги «Абдуғани Зиёвидин», Асака туманидаги «Асакалик Обид дон», Булоқбоси туманидаги «Донохон Холиқова» фермер хўжаликларида ҳосилдорлик гектар ҳисобига ўртача 65-70 центнерга етди.

«Боғишамол» дам олиш масканида вилоят ризқўзини яратувчилари муваффақиятларини шарафлашга бағишланган тантанани бўлиб ўтди. Унда бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитига қарамай, мўл ва берақали ҳосил етиштиришга муносиб улуш қўлган илғор фермерлар, сувчи ва механизаторлар, қўнғинчи, барча дала меҳнатқашларининг заҳмати яна бир бор эътироф этилди. Уларга қимматбаҳо совғалар улашилди. Санъаткорларнинг қиқишлари дарага ўзгача фойз киритди.

Тақдирланганлар Президентимизнинг мамлакатимиз ғаллакорларига йўллаган табриғида билдирилган юксак ишонча меҳнат зафарлари билан жавоб қайтаришга аҳд қилганларини алоҳида таъқидладилар.

Тақдирда вилоят ҳокими А. Усмонов иштирок этди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.



## Ялли ички маҳсулот ҳажми ортимоқда

2009

йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида мамлакатимизда ялли ички маҳсулотнинг ўсиши

8,2

фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартириш, унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича белгиланган мақсадли комплекс дастурлар ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурининг изчил амалга оширилиши туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАРИ УЛУШИНИ КЎПАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

5. Инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобидан кредитларни қайта молиялаш тижорат банклари бошқаруви раислари зиммасига, лойиҳалар ва қарз олувчи корхоналарнинг молиявий аҳолидан қатъи назар, маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, уларни ажратилган фойзаларни ҳисобга олган ҳолда, тўлиқ ҳажмда Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига ўз вақтида қайтариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан тижорат банклари мақсадга номувофиқ фойдаланган ҳолатлар аниқланган тақдирда, мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган барча пул миқдори жарима санкциялари қўлланган ҳолда муддатидан аввал тўланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклари уюшмаси ва тижорат банкларининг, банкларнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш учун тижорат банклари томонидан 2-иловага мувофиқ, 2009-2010 йилларда юридик шахслар ўртасида камидан 110 млрд. сўм ҳажмда жойлаштириладиган узоқ муддатли облигациялар чикариш борасидаги тақлифи қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг Марказий банкдаги юридик шахсларнинг жалб этиладиган депозитлари бўйича мажбурий захиралари нормаларининг табақалаштирилган ставкаларини қуйидаги жалб этиш муддатларидан келиб чиққан ҳолда амалиётга таъбиқ этсин:

- муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар бўйича — умумжорий этилган нормаларнинг 80% миқдориди;
- муддати 3 йилдан ортиқ депозитлар бўйича — умумжорий этилган нормаларнинг 70% миқдориди.

8. Қуйидагилар: тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қозғаларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинадиган фойзлар даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиққа тортишдан; тижорат банклари аввал берилган кредитларни тўлаш ҳисобига ундирилган олинмадан мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

лизинг ҳизматлари кўрсатувчи юридик шахслар 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уч йил муддатга фойда солиғи ва лизинг операцияларидан тушадиган даромадлар бўйича ягона солиқ тўловидан озод этилсин.

9. Тижорат банклари томонидан, жумладан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва йўлга қўйиш ҳамда маҳсулотларни сотишда муваффақиятли иш тажрибасига эга бошқа инвесторлар иштирокида янги ташкил этилган корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Р-4010-сонли фармойишининг 2-бандида назарда тутилган солиқ имтиёзлари таъбиқ этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги Р-3075-сонли фармойиши билан тузилган тижорат банклари раҳбарлари ва инвестиция фаолияти масалалари бўйича масъул бўлим бошлиқларини аттестациядан ўтказиш комиссияси (Р. С. Азимов) мунтазам равишда, ҳар икки йилда бир марта тижорат банклари бошқаруви раислари ўринбосарларини ва банкларнинг инвестиция фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилмалари раҳбарларини аттестациядан ўтказишни таъминлаш (хорижий капитал иштирокидаги банklar ва хусусий банklar бундан мустасно).


Тижорат банклари раҳбарлари: икки ой муддатда инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказуви, молияловчи ва амалга оширилишини мониторинг қилувчи банкларнинг таркибий бўлиmlарини самарали иш олиб бориш учун зарур компьютер техникаси ва ускуналар билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўрсин; инвестиция фаолияти масалалари учун жавобгар банк бўлиmlарини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш ишларини доимий равишда олиб бурсин; инвестиция фаолияти масалалари билан шуғулланувчи банк ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича миқталақларда доимий фаолият кўрсатувчи курслар ва амалий семинарлар ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 28 июль



18 йил

ортадиган гидравлик экскаваторлар, 136-190 тонна юк қўтар оладиган автосамосваллар ишлатилмоқда.

— Гоятда ноёб компьютер технологиялари мажмуаси Муринтовда иш самардорлигини оширишда қўл келмоқда, — дейди 4-қеч бошлиғи, Ўзбекистон Қармонови Фарҳат Сойибов.

Дарҳақиқат, бугунги кунда «Дўстлик» орденли НКМК — Ўзбекистоннинг байроқдор корхоналаридан. Шу билан бирга, у кўп тармоқли ва ўзига хос иқтисодий тизимнинг мустаҳкам

табий газ, ичимлик суви, юқори қўлланлиш электр энергиясини тармоқлари келтирилади, темир йўл ва автомобиль йўллари бунёд қилиниди. Логистика маркази эса жадвал қилинмоқда.

Худудда инвесторларга ҳар томонлама қўлайлик яратиш мақсадида эса ҳукуматимиз томонидан мақсус божона, солиқ, валюта ва чет эл фуқаросининг кириб-чиқishi соддалаштирилган режими тўғрисида бир қатор норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Эркин индустриал-иқтисодий

ишлаб чиқариш мuddати шу йилнинг охири ва 2010 йилнинг ўрталарига мўлжалланмоқда. Инвесторларнинг асосий қисмини Жанубий корейлик ишбилармонлар ташкил этади.

Кўриб турибсизки, тараққиётнинг нури йўли ана шундай эврилишларни юзага келтирмоқда. Истиклолнинг бу беназир имкониятлари, ўз навбатида, Навоийи дунё билан боғламоқда. Чиндан ҳам, бугун Навоий яшариб, янгилиниб, юксалиб бормоқда. Сўнгги йилларда бу ерда қўллаб қўллан ва мадания

# НАВОИЙ: ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗДАН ЯШНАГАН ЗАМИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шундай бир пайтда Учқудукдан узоқ бўлмаган «Қўқпата» конининг олтин майданларини қазиб олиш ва уни қайта ишлаш бўйича янги тармоқларни яратиш билангина бу муаммоларни ҳал қилиш мумкин эди.

Шу мақсадда Президентимиз Ислому Абдуганиевич Каримов Учқудукдаги 3-гидрометаллургия заводи қурилиши ва «Мурунтов» очик қонида бўлиб, у ердаги ишларнинг аҳолини чўқур таҳлил этган ҳолда, аниқ кўрсатилар берди. Пировардда комбинат обьекта турди. 2-ГМЗда эса олтин ишлаб чиқариш ҳажми сақлаб қолинди. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан 2007-2012 йилларда НКМКда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тасдиқланган. «Мурунтов» олтин кони транспорт схемасини реконструкция қилиш, «Қўқпата» ва «Дагуйта» олтин конлари бирлашган ҳам асосий заводи кон-металлургия корхонасини барпо этиш ишлари бошлаб юборилди. Эндликда комбинатда бошқича-бошқича ВНОХ технологиясининг асосий таркибидо сульфидли олтин бўлган рудани қайта ишлаш йўлга қўйилмоқда. Мавжуд цехларда инновацион технологиялар кенг қўлланилмоқда, кон ишларини жадваллаштириш учун бирваракайга 17-26 кубометр рудани

бўғини ҳисобланади. Комбинат, жумладан, Навоий, Зараршон, Учқудук, Зафаробод кон бошқармалари 999,9 пробадаги олтин ишлаб чиқариш бўйича нуфузли олий мукофотларга сазовор бўлиб, жаҳондаги энг йирик турдош корхоналар сирасига киргани, фан-техниканинг замонавий ютуқлари ва ноёб технологияларни жорий этган ҳолда, мамлакатнинг бош валюта шеъига айланган шундан далолат беради.

Хозирги кунда бу худудда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилмоқда. Бундан асосий мақсад, замонавий, янги юқори унум билан ишлайдиган техника ва асбоб-ускуналар, линиялар, модулар, инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига ҳаҳон стандартларига жавоб берувчи ва дунё бозорига рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришдир.

Айни пайтда эркин индустриал-иқтисодий зона учун Карман тумани худудидан 564 гектар ер ажратилган. Бугунга қадар ушбу масканга юқори босими

зонанинг айнан Навоий вилоятида ташкил этилишининг асосий сабабларидан бирига тўхталсак, мазкур худуддан халқ, ахборотлаштириш қосоналари, замонавий мактаб, лицей, коллежалар бинолари қад ростладик, буларнинг бари юрт кўрки ва шуқури ни оширмоқда.

Бундан ташқари, Навоийда республика шочилчин тиббий ёрдам илмий марказининг филиали тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. «Фарҳад», «Ширин», «Наврўз» маданият саройлари, китоб жамғармаси 800 миң нуҳсадан иборат кутубхоналар эса аҳолига хизмат қилмоқда.

Хазрат Алишер Навоий номи билан аталадиган истироҳат боғи 126 миң квадрат метри ташкил этади. Саҳти 24,7 миң квадрат метрик «Ёшлик» қули инсон қўли билан бунёд қилинди. Боғдаги ўттиз уч гектарлик бўльварда эса йиғирма иккита



Қаро М-37 автомобиль трассаси ўтади, республикамизда ва Марказий Осиёда энг йирик Навоий аэропорти яқин. Яқин Шарқ, Осиё, Европа мамлакатларини боғловчи темир йўл ҳам шу атрофдадир.

**СУРАТЛАРДА:** Навоий шаҳрининг умумий кўриниши; шаҳардаги ўнлаб гавит корхоналарда навоийликлар ана шундай ҳамжихатликда меҳнат қилмоқдалар.

**Бахтиёр АКРАМОВ,**  
**Жумамурат МИРЗАЕВ олган суратлар.**

# Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ: УШБУ ГЎЗАЛ ВА МУҚАДДАС ДИЁРДА ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ ҲУКМ СУРМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

Ўзбекистонда барча соҳалар қаторида санъат ҳам юксак даражада ривожланган. Ўзбек мумтоз кий-қўшқилари, жозибадор миллий рақс-

лар ҳар қандай кишини мафтун этишга қодир. Гўзаллик ва нафосатни ўзида мутасамман этган наволарингизга меҳрим жуда баланд.

— **Яқинда Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи кенг нишонланади...**

— Юртингизга келган ҳар

қандай киши унинг сайёҳлик салоҳиятига тан бериши, шубҳасиз, Айниқса, Тошкентда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари диққатга сазовор. Бу ердаги мутасамман ўзгаришлардан ҳайратман.

Азим Тошкентдаги меъморий обидалар ва сержило тарихий ёдгорликлар, кўркам ва замонавий меҳмонхоналар, маҳобатли ишоотлар, ресторан ва қаҳвахоналар, музей ва галереялар, хашаматли спорт мажмуалари кишида унутилмас таассурот қолдиради. Пойтахтнинг метроси эса

ўзининг озодлиги ва чиройи, ҳар бир бекатнинг ўзига хос ноёб меъморий ечим ва безакларга эғлиги билан ажралаиб туради.

Киска фурсатда янгидан бунёд этилган Ҳазрати Имом мажмуи менда гоят катта таассурот қолдири. Моҳирона услубда таъмирланган ва нозик дид билан безатилган бу обида хел кимни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман.

**Ўз Амухбири**  
**Мадина УМБРОВА**  
**суҳбатлашди.**

Ишоният тараққиёти тарихида юз берган инқироз жараёнларидан маълумки, фақат қўли сиёсий-иқтисодий-иқтисодий тизимга эга бўлган давлатгина эса манфаатларини ишонлилик ҳимоя эти билади, яъни унинг таъсирини энгиллаштириб, муваффақиятли тарада ривожлана олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, Ўзбекистон, мана, 18 йилдирки, иқтисодий-соҳасида барқарор ривожланаётган, аҳолисининг турмуш даражаси ўсиб бораётган, Марказий Осиёда ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш мақомига молик мамлакат ҳисобланади. Хорижий экспертлар бунга «Ўзбекистон мўъжизаси» деб баҳо бераётганларнинг боиси шунда. Аслида, бу Президентимиз Ислому Каримов раҳнамоллиги ва ташаббуси билан мазкур тизимни барқарор ва изчил тараққий этириш, давлатни янада ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилиб, у бардавом амалга оширилаётганининг яққол самарасидир.

Хабарингиз бор, кейинги вақтларда чет эллик мутахассисларда айнан ана шу тизимнинг «Ўзбек модели»га қизиқиш тобора кучайиб бораётганини кузатишмоқда. Бугунги кунда «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Олий Мажлиси бўлаётган сайловлар арафасида ўзига хос синоддан ўтадиган бу жараёнда мамлакат иқтисодий-сиёсий ҳаётидаги фаолиятини таҳлил этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Шу маънода, гапни пойдевори мустақилликнинг дастлабки кунлариданқ қўйилган мамлакатда ҳокимиятининг тармоқларга бўлиниши принциплари қорол топтириш, қонунларнинг устуворлигини ўрнатиш, уларни умумхалқ мувоқамасидан ўтказиш амалиёти муҳим этилган, кўп партиявийлик ва янги сайлов тизими шаклланган кезларда бошланган демократик сиёсий замин яратилганидан бошлаш мантқан турғи бўлади. Ҳозир «Кучли давлат» тезиси «Ўзбек модели»нинг философия моҳиятига айланади. Давлат самарали тарада модернизация этишининг устуворликлари ва асосий йўналишларини белгилаб олиб, ислох этишни ўзи бошлаб берди, ислохларни амалга оширишининг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлди. Ва тегишлича, бунинг учун зарур ваколатларга эга бўлдики, ана шу ваколатларнинг айримларини кейинчалик, ислохот мақсадларига эришилганлик даражасига қараб,

# Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

жамоат институтларига ўтказиш мўлжалланган эди. Шу сабабли ҳам, иқтисодий тараққиёт стратегиясининг муҳим таркибий қисмини парламентаризмин ривожлантириш ташкил этиди. Зотан, самарали фаолият олиб борадиган, замонавий халқро андозаларга жавоб берадиган парламентни шакллантирмай туриб, умуман, демократияни улуғлиги ва барқарор ривожлантиришни тасаввур этиб

Республикаси Президенти Ислому Каримов томонидан Конституцияда белгиланган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи амалга оширилди, «Давлат бошқарувини янгилаш» ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кўчатириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

равшан кўзга ташланди. Лекин бу уринишлар у ёки бу вазиятда партияларнинг ўзига хос тарзда етуқ ийниқсони йўсинида ажралаиб турмади, бирин бир салмоқлироқ сиёсий ташаббусларни мутасамман этмади ҳам. Бироқ, шу билан бирга, хозирги вақтда сиёсий партиялар мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий ҳаётига етарлича таъсир кўрсатмоқдалар, деб бўлмайди. Холбуки, айни шу нарса ҳар бир

олиб бориши, мамлакатимиздаги на эмас, балки чет элларда ҳам содир бўлаётган воқеаларни кузатиб бориши зарур. Зеро, сиёсий фаоллик у ёки бу муаммоларни ечимини қўлайлаб-қувватлашдагина эмас, балки ана шу муаммоларни топиши ва уни бартараф этишининг ўзи мақбул деб топиш йўлини тақлиф этишида мутасамман бўлади.

Айрим партиялар ўз сафига қўлдан-қўл экспертлар ва таҳлилчи

# ФАҚАТ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШМАС, ТАШАББУСКОРЛИК ҲАМ ЗАРУР

## Сиёсий партияларнинг ўз қарашлари ва тақлифларини фаолроқ илгари суришлари юртимиз ривожидо муҳим аҳамият касб этади.

бўлмасди.

Дастлаб янги бир палатали парламент — Олий Мажлис ташкил этилди. Худудий бир мандатли сайлов округларидан сайланадиган 250 нафар депутатдан ташкил толган Олий Мажлис биринчи марта 1995 йилнинг бошларидо кўп партиявийлик асосида сайланди. Шундан кейин нимпрофессионал бир палатили парламент иш тажрибасидан келиб чиқиб, янги талаб-эҳтиёжлар ва имкониятлар юзага келганлигини инобатга олган ҳолда, шунингдек, чет эл мамлакатларининг тажрибасини назарда тутиб, парламент ислохоти ўтказилди.

Қонунчилик палатасига киритилганлиги, айниқса, тарихий воқеа бўлди.

Сиёсий ислохотнинг ана шу таркибий омилини Ўзбекистонда кўп партиявийлик тизимининг эмин-эркин ва самарали ривожланишига имкон берди. Давлат ташаббуслари иқтисодийнинг янада ислох қилишининг мустаҳкам пойдевори ни ҳам яратди. Мамлакатимиз иқтисодий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан раванқ топишининг асосини айна шу ташаббуслар ташкил этиди. Улар кўпгина мутахассислар учун жұмбоқ бўлиб қолаётган феномен сифатида мутасамман бўлди.

Шу ўринда, албатта, партияларнинг сиёсий муносабатлар субъектлари сифатида мамлакат иқтисодий-сиёсий ҳаётига янада фаолроқ қўшилиш йўлидаги ҳаракатларини таъкидлаш ўттишга турғи келади. Партия етакчилари ўртасида ана шу фаолликнинг дастлабки куртаклари миллий гоғнинг мазмун ва моҳиятини тушунтиришга қаратилган турли тадбирларни ташкил этишда намоён бўлди. Сиёсий кучлар давлатимиз иқтисодий-сиёсий ҳаётининг фаровонлигини ошириш, давлат, жамият ва шахсининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ички ҳамда ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам бир четда қараб турмадилар.

Рабобатлашув кураши белгила-ри, айниқса, Олий Мажлисда қонун лойиҳаларини муҳокама этишда партиянинг энг муҳим вазифаси, сафига янги-янги аъзоларни жалб этиш омили бўлиб қолиши керак эди. Шу сабабли, сайлов олдидан фавал тарздаги оммавий-ташқиқий ишларга қарамай, партиялар сайкон кампанияси жараёнига таъсир этишни таъбиб бўлган барқарор электоратни шакллантириш муаммосига дуч келишлари мумкин.

Сиёсий партиялар фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг иқтисодий-сиёсий жабҳадда ютуғи ҳақида, улардан ҳар бирининг сиёсий майдондаги самардорлиги хусусида гапирганига ҳали эрта. Улардан биронтаси ҳам бугунги кунда ўзининг, афтидан, энг асосий вазифаси — у ёки бу масала юзасидан партия позициясини акс эттирадиган, унинг дастурий вазифалари руҳи даражасида бўлган муқобил ечимни илгари суриш вазифасини тўлиқ маънода ҳал эта олмайпти. Бу партияларда ушбу йўналишда етарлича фаолият кўрилмаётганилиги, сиёсий жараёнларда уларнинг талаб даражасида турғи мўлжал ола билиш маҳорати йўқлиги, қолверса, партия аппаратларининг профессорлик нуктаи назаридан янши тайёргарлик кўрмаганлиги билан изоҳланади. Гарчи уларнинг ҳар бири тийёргарлик қўриш, ўрганиш, таълим олиш жараёнида эканлиги қарамай, ўзи билан ўзи овера бўлиб қолмаслиги, ишни маромига етказиш устида изланиши лозим. Ҳар бир партиянинг раҳбар бўғинлари илмий, таҳлилий иш

чиларни жалб этганларига қарамай, улар ҳар хил йўналишлар бўйича таҳлил асосида таҳлил қилиш билан шуғулланувчи мутахассислардан таркиб топиш яхлит блокларни шакллантирганларича йўқ. Турғи, парламент фаолиятида партия фракцияларининг фаолияти кучайиб бораётганини кузатишмоқда. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, улар сессия кун тартибини шакллантиришда иштирок этмоқдалар, қўрилаётган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар, зарурат бўлганда, палата Спикерига, вазирларга, бошқа давлат органларининг раҳбарларига мурожаат этмоқдалар, Олий Мажлис раҳбарлари, қўмиталар ва комиссиялар раисларининг номзодлари юзасидан тақлифлар киритмоқдалар.

Айни бир вақтда буларнинг ҳаммасини, умуман олганда, иқтисодий-сиёсий вазиятга амалий таъсир кўрсатиш учун етарли, деб бўлмайди. Фракцияларда баъзан қонун ижодкорлиги жараёнларини тўлигича тушунайдиган, юридик маълумоти йўқ партия аъзолари иш олиб бормоқдаларки, бу ҳол у ёки бу қонун лойиҳасининг мувоқамаси жараёнида тўлақонли, собиққондан ёндашувга эришилаётганилиги олдидо келмоқда. Ваҳоланки, қонунчилик даражасида, маълумки, турта партиянинг ҳар бирига, шу нуниндек, Ўзбекистон экологик ҳаракатига етарлича тегишли ваколатлар берилган.

Ҳар бир сиёсий партиянинг фаолиятида давлатимиздаги янги иқтисодий-сиёсий ҳаётнинг мазмун ва моҳиятини тушунтиришга қаратилган турли тадбирларни ташкил этишда намоён бўлди. Сиёсий кучлар давлатимиз иқтисодий-сиёсий ҳаётининг фаровонлигини ошириш, давлат, жамият ва шахсининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ички ҳамда ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам бир четда қараб турмадилар.

Бу жараён, афсуски, бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз билан боғлиқ муаммоларни ёқуд сув-энергетика соҳасига тааллуқли минтақавий муаммоларни, нарқотрафик таҳдидларини мисол қилиб олайлик. Жамоатчилик, электрот, шу жумладан, сиз билан биз Ўзбекистонда у ёки бу сиёсий партиянинг ўз позициясини, нуктаи назарини руйроқ акс эттирадиган биронта ҳам материал ёки чиқиб билан танишишга муваффақ бўлганимизча йўқ, Партия намоёндалари газеталарда, телевидение ва радио орқали фақатгина давлатимиз раҳбарининг нуклари ёки асарларида айтилган турли тақорлар, гапириб бермоқдалар, холос. Кенг аудитория олдидо, оддий замонашнинг олдидо

Бундан ташқари, партиялар учун ўз маъсуравий қўйғасига эга бўладиган фурсат келиди. Мавжуд партияларнинг ҳар бирида миллий гоғимизга монанд қарашлар топилади. Бошқача қилиб айтганда, партиялар ҳар хил қарашлар бўлган тақдирда ҳам, ўз тарафдорларини ана шу гоғни амалга ошириш учун жиқлаштири билиши зарур. Бунинг учун эса, муаммолар топишига эмас, балки унинг ҳар хил ечимлари вариантларини ишлаб чиқишга ёрдам берадиган тизимий асосдаги тадқиқотчилик ёндашуви ҳам керак. Партияларимиз ҳар хил гоғларга, уларнинг фаолияти эса турли мавналардан ўзиб-юлиб ўлаштириб олишга муваффақ бўлган, чиройли сайдал берилган қонунчиликларга, дастурларга қўр-қўрона эргаштишдан воз кечадиган пайт келди.





Мустақиллигимизнинг қутлуғ ўн саккиз йиллик тўйи тобора яқинлашаётти. Мана шундай шуқуҳли дамларда ҳар биримиз Истиқлол яратиб берган имконият ва шароитлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида яна бир карра тўлқинланиб, фахрланиб мулоҳаза юритишга одатланганмиз. Бу, табиий ҳол, албатта. Чунки умримизнинг энг ёрқин ҳамда қадрли онлари айнан Истиқлол билан боғлиқ.

Таълим тизими:

ЯНГИЧА УСЛУБ САМАРАСИ

Ўтган давр мобайнида Президентимиз бошчилигида барча соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, таълим соҳасида бутунлай янгича принципларга, аввало, миллий анъана ҳамда қарашларга, жаҳондаги илғор андозаларга асосланган тизим барпо этилиб, ҳаётга татбиқ этилган бугун ўзини амалда тўла оқляпти. Таълим тўғрисидаги Қонун ҳамда Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ, етук маънавий мутахассисларни воёга етказиш мақсадида олий ўқув юрталари, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида таълим олаётган ёшларнинг пухта билим эгаллаши, шунингдек, илмий изланишлар олиб бориши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

тиш борасидаги интилишлари ҳам доимо қўллаб-қувватланмоқда. Шундай гамхўрликлардан баҳраманд бўлаётган кишилардан бири сифатида ўзимни мисол қилиб эътироф этишим мумкин. Тошкент молия институтининг бюджет ҳисоби, бухгалтерия ҳисоби назарияси ҳамда молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби фанларидан талабаларга сабоқ берман. Яқинда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш (таълим тизими мисолида) мавзусидаги номзодлик диссертациями ёқладим. Республика Банк-молия академиясининг етук иқтисодчи олимлари ҳузурда илмий ишларимни ҳамроҳ қилар эканман, кўнглим фахрга тўлди. Сабаби, бу асосий мақсадларимдан бири эди. Шунда беихтиёр ўтмишни эсладим. Авваллари, яъни собиқ Иттифоқ даврида иқтисодий масалаларга аралашиб, айнан бюджет ташкилотла-

рининг иш тажрибасини ўрганиш имконияти бўлди. Шу боис бюджет ташкилотларида ишлаётган мутахассислар, хусусан, иш ўрганувчиёш ҳодимлар учун

Дил сўзи

бирор-бир қўлланма ҳам яратилмаганди. Бугун-чи? Бугун исталган ташкилотнинг бухгалтерия тизимини ўрганиш, бу борада эмин-эркин тадқиқот олиб бориш, янги иш услуби борасидаги тақлиф ва мулоҳазаларни билдириш мумкин. Эеро, ҳозирги иқтисодий шарт-шароитда бухгалтерия ҳисоби соҳасини такомиллаштириш заруратини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Яъни бюджет ташкилотларида ҳисоб сибсатини тўғри ва аниқ юритиш, уларнинг бухгалтерия ҳисобиди ҳўжалик юритишнинг янги шарт-шароитларга асосланган механизмларини ишлаб чиқиш, номоддий активлар

счетида тегишли ҳисоб-китоб амалларини олиб боришга эътибор қаратиш борасида янгича фикрларни илгари суриш ҳар жиҳатдан зарур, деб ҳисобланмоқда. Замон шиддат билан ўзгариб бораётти. Мана шундай шароитда соҳа мутахассисларидан етарли билим ва малакага эга бўлиш, жаҳон миқёсида рўй бераётган ўзгариш ҳамда янгиликларни би-

ги шундаки, бўлажак мутахассислар Интернет ва "ойнаи жаҳон" орқали ўқитувчидан дарс олишлари мумкин. Агар бу услуб бирор мавзуга оид ўқув адабиётларидан фойдаланишдан олдин қўлланилса, талабанинг дарсни ўзлаштириши бирмунча осон кечади.

Бундан ташқари, институтда ўқитувчилар учун махсус ўқув комплекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу фаолият самарадорлигини оширишга, ишни аниқ режа асосида ташкил этишга имкон бермоқда. Асосий дарс жараёнлари яқунланган, илгари иштиёқманд талабалар учун кўшимча машғулотлар ўтказилади. Бундай индивидуал таълим бериш услуби, айниқса, илмий тадқиқот олиб бориш истагидаги йигит-қизларнинг янгилик яратишга, изланиш ва ўқиб-ўрганишга бўлган қизиқиши янада орттиришига хизмат қилаётти. Негаки, талабалар институтнинг иккинчи босқичида таълим олаётган пайтданок, битирув малакавий иши учун муайян бир мавзунини танлаб, бу борада илмий тадқиқот олиб борадилар.

Умуман, таълим жараёнига бундай ўзига хос услубларни татиқ этишдан мақсад, истиқболда юртимиз фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга қодир етук билимли мутахассисларни тарбиялашдир. Эеро, ёшларнинг илми олишга, янгича оғя ва ташаббуслар ижодкори бўлишга интилиши тобора ортия бораётганлиги, илм даргоҳларида уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш учун барча шароитлар яратиб берилаётганлиги, юқориди таъкидлаганимиздек, Истиқлол шарофатидир. Бундан барчамиз ҳаммиша мағрурланамиз ва яна янги марралар сари дадил қадам ташлаймиз.

Шаҳридин ҒАНИЕВ, иқтисод фанлари номзоди.

«Янонасан, муқаддас Ватан!» ҚЎШИҚЛАРДА ЮРТ ТАРАННУМИ

Президентимизнинг 2009 йил 7 апрелда қабул қилинган «Янонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги қарорига биноан, шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, турли вазирилик ҳамда ижодий ташкилотларда мазкур танлов юксак савия ва кўтаринки руҳда ўтмоқда. Хусусан, кунги кеча Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирилик тизимида танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздаги Ўзбек миллий академик театрида ташкил этилган мазкур тадбирда профессионал хонандалар билан бирга, ҳаваскор бадий жамоалар ва яққохон ижрочилар ўзларининг Ватанини таранну этувчи янги қўшиқлари билан иштирок этишди.

Нихоят, улар орасидан танловнинг республика босқичига йўланма олган 42 нафар иштироки яқуний босқичида ўз истеъдоди ва маҳоратини намойиш этди.

Тадбирда сўзга чиққан маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Б. Сайфуллаев Юртбошимиз ташаббуси билан Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида ўтказилаётган бу кўрик-танлов истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва муносиб рағбатлантириш ҳамда ёш авлод маънавиятини юксалтиришда катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Натихаларга кўра, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулнаам Мамазоитова Муртазо Қаршибоев шэъри, Анвар Эргашев муסיқаси билан айтилувчи «Фидо бўл!» қўшиғи учун биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ўринга навоийлик хонанда Серержан Жаҳаҳмедов «Навоийнинг навоилари» қўшиғи ҳамда андижонлик хонандалар Хуршид Ҳасанов ва Рустам Маматкулов «Ўзбекистон, Ватани» қўшиғи билан муносиб топилди. Тошкент шаҳридан «Тошкент» қўшиғи билан қатнашган Абдулазиз Карим, «Ўзбекистон» қўшиғи муаллифи, самарқандлик Юлдуз Низомова ва Сурхондарёдан «Ватаним онам» номли ашулалари билан қатнашган хонанда Санжар Исоқов учинчи ўринга лойиқ, деб топилди.

Ф. БЎТАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

ШУҲРАТ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Ўзбекистонлик спортчиларнинг жаҳон ва қитъа миқёсида ўтказилган мусобақаларда совриндорлар сафидан қол олиши анъанага айланган қолди.

Яқинда Хитойда яқунланган ҳарбий ва жанговар санъат бўйича жаҳон чемпионатида ҳам вакилларимиз ҳеч қимдан кам эмасликларини амалда намойиш этдилар. Чемпионатда дунёнинг 22 мамлакатидан келган спортчилар ўн бир вазн тоифасида медаллар учун кураш олиб бордилар.

Маълумки, 2010 йилги футбол бўйича Осиё чемпионати Тошкент шаҳрида ўтказилади. Кунги кеча Осиё Футбол конфедерацияси қароргоҳи жойлашган Куала-Лумпур шаҳрида мазкур нуфузли мусобақанинг саралаш босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Қуръа натижалари қуйидагича қўриниш олди: Шарқий минтақа: «А» гуруҳи: Япония, Хитой Тайпейи, Макао, Гонконг. «В» гуруҳи: Хитой, Жанубий Корея, Гуам. Мусобақа шу йилнинг 24-29 ноябрь кунлари Пекинда бўлиб ўтади.



Саралаш босқичига қуръа ташланди



Таъкидлаш лозимки, турнирнинг финал қисмида Эрон, Таиланд, Япония ва Ўзбекистон терма жамоалари тўғридан-тўғри иштирок этишади. Гап шундаки, дастлабки учта терма жамоа Таиландда ўтган аввалги Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашгани учун, Ўзбекистон терма жамоаси эса мусобақа мезбони сифатида шундай ҳуқуққа эга бўлди. Шунингдек, улар сафига ҳар бир саралаш гуруҳида қучли учликдан ўрин олган жамоалар қўшилишади. Япония терма жамоаси саралаш босқичида бир вақт-

нинг ўзида Шарқий Осиё чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун кураш олиб боради. Агар «кунчиқар юрт» вакиллари қучли учликдан жой олишса, қитъа чемпионатининг йўланмаси тўртинчи ўрин соҳибига насиб этади. Эслаб ўтамиз, 2006 йилнинг май ойида ҳам Тошкент футбол бўйича Осиё чемпионатида мезбонлик қилган эди. Ушанда Ўзбекистон терма жамоаси финал учрашувида Японияга имкониятни бой бериб, мусобақанинг қумуш медали билан тақдирланганди.

Гарбий минтақа: «А» гуруҳи: Ливан, Қатар, Баҳрайн, Саудия Арабистони. «В» гуруҳи: Ироқ, Кувайт, Иордания. Мазкур гуруҳ ўйинлари шу йилнинг 13-18 октябрь кунлари Доҳа шаҳрида бўлиб ўтади. АСЕАН минтақаси: «А» гуруҳи: Австралия, Индонезия, Бруней, Мьянма. «В» гуруҳи: Малайзия, Вьетнам, Камбоджа, Филиппин. Ушбу гуруҳдаги баҳслар келаси йилнинг 13-18 февраль кунлари Жакартада бўлиб ўтади. Марказий ва Жанубий минтақа: Афғонистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон. Учрашувлар шу йилнинг ноябрь ойида Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтади.

Норбек НИЁЗОВ.

Саҳнада ёш актёрлар

Сирдарё. Гулистонда болалар театрларининг «Тошкент баҳори» деб номланган республика фестивали бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар ижодиёт марказларида ташкил этилган театр жамоалари қатнашди. Фестивалда намойиш этилган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган саҳна асарлари иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди. Тадбир якунига кўра, Сирдарё ва Наманган болалар театрларига олий ўрин — Гран-при, Фарғона, Бужоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ёш актёрларига кейинги ўринлар насиб этди.

А. ШЕРНАЗАРОВ.

Advertisement for 'SHIRCHIQ SHANXAY PLAST' featuring high-pressure polyethylene pipes. Text includes 'ПРЕДЛАГАЕТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ' and 'ДИАМЕТРОМ ОТ 16 ММ ДО 1 200 ММ ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ'.

Advertisement for 'OB-XAVO' (Об-Хаво) featuring 'Korakalpoqiston Respublikasi va Xorazm viloyati' (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти) products. Lists various items like 'Buxoro va Navoiy viloyatlari' (Бухоро ва Навоий вилоятлари) and 'Samarqand, Jizzax hamda Sirdarё viloyatlari' (Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари).

Advertisement for 'GUNWOO' (Гунвуд) featuring 'POLIETILEN KUVURLARINI' (Полиэтилен қувурларини) with diameters from 100mm to 1000mm. Includes contact info: 'Тел.: (998 98) 301-60-78, (370 71) 715-61-75'.

Advertisement for 'MAGISTRATURA' (Магистратура) by 'MDIS Tashkent'. Promotes management and marketing master's degrees. Text: 'Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти'.

Advertisement for 'SHIRCHIQ SHANXAY PLAST' (П.П. «ШИРЧИҚ ШАНХАЙ ПЛАСТ») with contact details: 'Адрес: г. Чирчиқ, ул. Амра Темура, 22. Голубой офис: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК»'.

Advertisement for 'XALQ SÖZİGA' (Халқ сўзи) featuring 'ЭЪЛОНЛАР' (Announcements) and 'КАБУЛ ҚИЛИНАДИ' (Accepted).

Advertisement for 'MANZILIMIZ' (Манзилимиз) featuring '100000, GSP, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй'.

Advertisement for 'Халқ сўзи Народное слово' (Xalq sözi / Народное слово) featuring 'МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси'.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ' (Head Editor Otkir Raxmatov) with contact info: '2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган'.

Advertisement for 'Газета таҳририят компьютер марказида' (Computer center of the newspaper editorial office) and 'Шарқ нашірият-матбаа акциядорлик компанияси' (Shareholding company of the newspaper printing and publishing house).